

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ
йўналиши**

**“ҲИСОБ, АУДИТ ВА РИСКЛАР ИЧКИ
НАЗОРАТИНИНГ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи: ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси
доц.М.С.Тулаев**

**Тақризчи: ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси
мудири и.ф.н. доц. Муқумов З.А**

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 2019 йил _____даги ____-сонли қарори билан тасдиққа
тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	8
III. Назарий машғулот материаллар.....	16
IV. Амалий машғулот материаллар.....	42
V. Кейслар банки.....	44
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	48
VII. Глоссарий.....	49
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	97

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сонли Қарорлардаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда “Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари” замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг янги авлодлари ва улардан иқтисодиёт соҳасида фойдаланиш имкониятлари, ҳисоб ва аудит бўйича амалий дастурлар пакетлари, ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимлари, ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит бўйича ахборотларни қайта ишлашнинг технологик жабҳалари, меъёрий-ҳуқуқий ахборот тизимлари билан ишлаш асослари, давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари **модулининг мақсад ва вазифалари:**

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг янги авлодлари ва улардан иқтисодиёт соҳасида фойдаланиш имкониятларини етказиш; ҳисоб ва

аудит бўйича амалий дастурлар пакетини ўрганиш; ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимларини таҳлил қилиш; ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит бўйича ахборотларни қайта ишлашнинг технологик жабҳаларини ўрганиш; норматив-ҳуқуқий ахборот тизимлари билан ишлаш асосларини ўрганиш; давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш бўйича малакавий кўникмаларни шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ҳисоб ва аудит бўйича амалий дастурлар пакетиларнинг таснифлари;
- бошланғич ҳисоб ҳужжатларини электрон ҳужжат тарзида тузиш ва тақдим этиш;
- ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимлари;
- давлат органларига электрон ҳисоботлар топшириш масалалари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- бошланғич ҳисоб ҳужжатларини электрон ҳужжат тарзида тузиш ва тақдим этиши;
- ҳисоб ва аудит ахборот тизимларида ишлаши;
- давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш;
- ахборот қидирув тизимларида ишлаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш;
- ҳисобот кўрсаткичлари ҳисоб тизимидаги маълумотлар билан мослигини текшира олиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-

сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Ҳисоб ва ҳисобот”, “Бошқарув, рисклар ва этика” ва “Аудит” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг янги авлодлари ва улардан иктисодиёт соҳасида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш; ҳисоб ва аудит бўйича амалий дастурлар пакетини ўрганиш; ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит бўйича ахборотларни қайта ишлашнинг технологик жабҳаларини; меъёрий-ҳуқуқий ахборот тизимлари билан ишлашни, давлат органларига электрон ҳисоботлар топшириш услубларига доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари	2	2		2	
2.	Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимлари	4	4	2	2	
	Жами:	6	6	2	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит

ахборот тизимлари

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимлари. Ахборотларни қайта ишлаш жабҳалари. Давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш. Меъёрий-ҳуқуқий ахборот тизимлари. Ахборот қидирув тизимлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот

Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг янги авлодлари ва улардан иқтисодиёт соҳасида фойдаланиш. Ҳисоб ва аудит бўйича амалий дастурлар пакетини фарқлаш. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларни электрон ҳужжат тарзида тузиш ва тақдим этиш.

2-Амалий машғулот

Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимлари

Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимларини фарқлаш ва уларда ишлаш. Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит бўйича ахборотларни қайта ишлаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Ҳисоб, рисклар ички назорати ва аудит ахборот тизимларини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	“1С: Предприятия”, “1UZ Бухгалтерия”, “БЭМ”, “Инфо-бухгалтер”, “УзАСБО” дастурларнинг кучли томонлари	“1С: Предприятия” дастурининг фойдаланувчилар сонининг кўплиги...
W	“1С: Предприятия”, “1UZ Бухгалтерия”, “БЭМ”, “Инфо-бухгалтер”, “УзАСБО” дастурларнинг кучсиз томонлари	“1С: Предприятия” дастурининг интерфейси рус тилида...
O	“1С: Предприятия”, “1UZ Бухгалтерия”, “БЭМ”, “Инфо-бухгалтер”, “УзАСБО” дастурларнинг имкониятлари (ички)	“1С: Предприятия” дастуридан давлат органларига ҳисоботларни топшириш имконияти...
T	Тўсиқлар (ташқи)	“БЭМ” дастури тўлиқ мукамал яратилмаганлиги...

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материаллари



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Ҳисоб ва аудитнинг амалий дастурлари					
“1С: Предприятия”		“1UZ Бухгалтерия”		“УзАСБО”	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натиге (What).

“Кейс методи” ни амалге ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдеги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклде);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳде ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдеги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳде ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва гуруҳде ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалде қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиҳе тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулосе ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Кейслар базасиде ҳар бир кичик гуруҳ учун кейс алоҳиде ишлаб чиқилган ва амалий машғулотларде тингловчилар томонидан тақдимот қилинади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Йирик корхоналарда БҲАТ ёрдамида ҳисоб ахборотларини ишлаб чиқариш бир босқичда олиб борилади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар,

муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Бухгалтерия балансининг шакли нечта сатрдан иборат?

- А) 780
- Б) 400
- В) 480
- Г) 920



Қиёсий таҳлил

- “1С Предприятия” ва “1UZ Бухгалтерия” дастурларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- БҲАТ қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Халқ банка топшириладиган ШЖБПХР (ИНПС) ҳисоботини жўнатиш учун тайёрланг

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз

шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади ёхуд изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумот мен билган маълумотларга зид			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини таҳхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизими		
ҲАИЖ		
Йирик корхоналарда АИЖ		
Кичик корхоналарида АИЖ		
БҲМС		
Субконто		
Котрагентлар		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимлари



“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида ақс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқалар.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқалар.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходимнинг портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқалар.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ. ҲИСОБ, РИСКЛАР ИЧКИ НАЗОРАТИ ВА АУДИТ

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Бухгалтерия вазифаларини ечишни ААТехлари асосида ташкил қилиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тузиш пайтидан бошлаб якуний молиявий ҳисоботни тузиш билан яқунланувчи операцияларнинг йиғиндисидир.

Ҳозирга босқичда бухгалтерия вазифаларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш асосий ролни ўйнайди:

- фойдаланувчининг иш жойида ўрнатилган компьютерларни қўллаш, бу ерда вазифаларни ечиш ҳисобчи томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

- корхона (ташкилот, фирма)нинг турли хилдаги бўлинмалари иқтисодий вазифаларини интеграцияланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакллантириш;

- ҳисоблаш техникасида бажариладиган бухгалтерия ҳисоблашлар таркибини анча кўпайтириш;

- ҳар хил бўлинмалар учун корхонанинг ягона тақсимланган маълумотлар базасини яратиш;

- бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини машинада шакллантириш имкониятлари, бу қоғозсиз технологияларга ўтишни таъминлайди ва ҳужжатларни йиғиш ва рўйхатга олиш бўйича операциялар меҳнат талаблиги даражасини камайтиради;

- бухгалтерия вазифалари мажмуаларини ечишни интеграциялаш;

- диалогли усулда амалга ошириш йўли билан ахборот хизмат кўрсатишни ташкил қилиш имконияти.

Технологик жараёнларнинг барча операциялари ШКда битта иш жойида ва унинг тузилишига кўра изчиллик билан бажарилади.

Ахборот тўпламларининг ҳар хил турлари ҳисоб вазифаларини ишлаб чиқишга асос бўлади.


Биринчи тур бирламчи ҳужжатларни йиғиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ. ШКдан фойдаланишда уларни машина билан шакллантириш имконияти пайдо бўлади, бу ҳужжатларни яратиш жараёнини автоматлаштиради. Аммо ШКга кўлда киритилган бирламчи ҳужжатларни келиб тушиш имконияти ҳам истисно эмас. Ахборот таъминотининг иккинчи тури — ўзгарувчан ахборотларнинг файллар ва машина манбалари ва ШК хотирасидаги шартли доимий ахборотлар маълумотлар базаларидир. Ўзгарувчан ахборотларнинг файллари бирламчи ҳужжатларнинг маълумотлари асосида шаклланадилар ва белгиланган давр ичида вазифаларни (масалан, ишчи нарядлар, кириш ордерлари, кассанинг чиқариш ордерлари, юк хатлари ва бошқалар) бир марта ечишда фойдаланилади.

Шартли-доимий ахборотларнинг файллари лойиҳани тадбиқ этишда бир марта яратилади, кўп марта фойдаланилади ва уларга доимо тузатишлар

киритилади. Уларга ҳар хил меъёрномаларнинг массивлари, маълумотномалар, асосий воситалар ҳисобини йўқлама қилиш варақалари, ишловчиларнинг шахсий варақчалари ва бошқалар киради.

Марказлаштирилган ишлаб чиқариш шароитларида, технологик жараённинг барча операциялари ҳисобчи томонидан унинг иш жойида бажарилаётганда технологик жараённинг анъанавий вужудга келган босқичларининг мазмуни бир оз ўзгаради. Барча операцияларнинг бажарилишини ШК ишга тушиши заҳотиёқ экранда кўрсатиб беради. Меню дастур блоклари (модуллари)нинг рўйхатидан иборат бўлади, ундан ҳар бир модул бирламчи ҳужжатларни киритишдан тортиб то йиғма ҳисобларни тузишни тугатилишигача бўлган технологик жараённинг белгиланган вазифаларини бажаради.

Мисол сифатида «БЭМБИ» дастурининг «Материаллар Товарлар» модули асосий менюсининг таркибини келтирамиз.



ШКда бажариладиган технологик жараёнларда қуйидаги учта жараённи: **тайёрлов, бошланғич** ва **асосийни** ажратиш мумкин.

Тайёрлов босқичи дастур ва маълумотлар базасини ишга тайёрлаш билан боғлиқ. Бу босқич бошланғич даврда, вазифани тадбиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳисобчи машинага корхонанинг маълумотномавий маълумотларини киритади, бухгалтерия счётларининг режаси ва намунавий бухгалтерия ёзувларининг тартибига тузатишлар киритади. Турли хилдаги маълумотномалар: бўлинмалар, корхоналар, материаллар, етказиб берувчилар ва харидорлар тўлдирилади ва тузатишлар киритилади. Лойиҳани тадбиқ этишда баланс счётлари бўйича қолдиқлар бир марта қўлда киритилади, кейин улар автоматлаштирилган усулди олинади. Бу ерда ҳисоблаш даврини белгилаш бўйича операцияларни бажарилиши кўзда тутилади. Бу операцияларни бажариш учун «Варақалар, Маълумотномалар» ва «Ҳар хил» дастурлари менюсининг блокидан фойдаланилади.

Бошланғич босқичи бирламчи ҳужжатларни йиғиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ. Аввал таъқидланганидек ҳужжатларни қўлда ёки автоматлаштирилган усулда шакллантириш мумкин. Бизнинг мисолимизда автоматлаштира-рилган усулда шакллантириш «Ҳужжатлар» менюсининг блокига мурожаат қилиш йўли билан содир бўлади. Натижада материалларни омборга келиши ва ҳаражати бўйича ҳужжатлар шаклланади. Бирламчи ҳужжатларнинг маълумотларини машинага киритиш даврий, маълумотларни келиб тушиши бўйича содир бўлади.

Ҳужжатларни киритиш дастури қуйидаги вазифаларни бажаришни кўзда туттади:

- киритилган ҳужжатларга ноёб номер бериш, кўчирманинг санаш ва бошқа аломатлари билан регистрини тузиш;
- ҳужжатга маълумотномавий ва шартли-доимий аломатлар (етказиб берувчилар, нарх ва бошқалар)ни автоматик киритиш;
- хўжалик операцияларининг қайд этиш дафтарида бухгалтерия ёзувларни автоматик бажариш;
- нотўғри ҳужжатларни чиқариб ташлаш;
- нотўғри ҳужжатларни назорат қилиш ва тузатиш киритиш;
- бирламчи ҳужжатларни босиб чиқариш.

Бошланғич босқич ҳужжатларининг маълумотларини базавий ахборотлар тўпламларга жойлаштириш билан тугайди.

Асосий босқич ишнинг тугалловчи босқичи бўлади ва ҳар хил ҳисобот шакллари олиш билан боғлиқ. Бизнинг мисолимизда уни бажариш учун «Товар моддий бойликларнинг қайдномаси», «Айланиш қайдномаси» ва бошқалар каби ҳужжатларни олишга имкон берувчи «Ҳисоботлар» менюсининг модулидан фойдаланилади. Асосий босқични бажарилишини таъминлашда маълумотлар базасида ҳисобот тузиш учун фойдаланиладиган ҳар хил комбинацияли (ишчи) ахборот тўпламларни машина томонидан олиниши таъминланади. Ҳар бир ишчи ахборот тўпламлар қандайдир асосий сўз (масалан, материалнинг номенклатура номери) бўйича навларга ажратилиши ва ундаги якуний маълумотлар ҳисобланиши керак. Натижада ҳисобот маълумоти шаклланади, кейин у «Босиб чиқаришга» топширилади.

Маълумотларни машина хотираларида архивлаштириш ва бошқа АИЖга узатиш учун ахборотларни шакллантириш каби операцияларни ҳам бажариш мумкин.

Компьютер ишлаб чиқишни ривожлантириш ҳозирги босқичи учун бухгалтерия ҳисоби вазифаларини технологик жараённинг операциялари томонида кўзда тутилган интеграциялашиши хосдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир участкасини алоҳида АИЖда ишлаб чиқара туриб, ахборот шакллантирилади, у кейинроқ бирлаштирилади ва дастурининг асосий модули томонидан йиғма бухгалтерия ҳисоби учун фойдаланилади.

Ҳисоб вазифаларини ишлаб чиқариш технологияларини амалга оширишнинг муҳим элементи унинг дастурий таъминланиши бўлади. Компьютер дастурлари бозорида ҳар хил корхоналар, фирмалар, ташкилотлар учун мўлжалланган бухгалтерия дастурлари вариантларининг турли-туманлиги тақдим этилган. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўп сонли фирмалар томонидан олиб борилади. Бухгалтерия ҳисобининг вазифавий АДПларини таснифлашда уларни кичик, ўрта ва йирик корхоналарга мўлжалланиши асос бўлиб хизмат қилади. Кўпгина фирмалар дастурларни икки вариантда: **махаллий** ва **тармоқли** ишлаб чиқарадилар. Таъкидлаш керакки, тармоқли вариантлар анча мураккаб ва қиммат, «мижоз-сервер» технологиясини амалга оширишни, махсус ускуналар ва операцион тизимларни, ҳамда ҳисоблаш тармоғига хизмат кўрсатувчи мутахассислар штатини мавжудлигини талаб қилади. Қоидага кўра, тармоқли АДПлар бухгалтерия ҳисобининг

дастурларидан ташқари барча фирмалар ёки ташкилотлар учун бошқарув ахборотларини компьютерли ишлаб чиқишга мўлжалланган. Бухгалтерия ҳисобининг баъзи бир вазифавий АДПларининг таърифини кўриб чиқамиз.

Кичик-ҳисобхона АДПлари кам сонли, ҳисобнинг аниқ участкаси бўйича ходимларни аниқ акс эттирилган ҳисобхоналар учун мўлжалланган «Бухгалтерия ёзуви Асосий китоб-Баланс» умумий номи остидаги кичик бизнесга мўлжалланган дастурлар асосан синтетик ва мураккаб бўлмаган тахлилий ҳисобни олиб бориш вазифаларини бажаради. Бу синфдага энг машҳур АДПлар «1С: Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқалардир.

Кичик ҳисобхона АДПлар ўзлаштириш ва ишлатишда содда, касб эгаси бўлмаган фойдаланувчига мўлжалланган. Уларнинг катта турлитуманликларига қарамасдан, қоидага кўра улар умумий таърифларга эгалар. Масалан, хўжалик операцияларининг қайд этиш дафтарини автоматлаштирилган усулда олиб бориш, счётлар режаси ва намунавий бухгалтерия ёзувларининг мавжудлиги, бир қатор бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш имконияти, йиғма бухгалтерия ҳисоботини автоматлаштирилган усулда тузиш.

«Мужассамлашган бухгалтерия тизими» АДПлари кичик ва ўрта бизнесни олиб бориш учун мўлжалланган. АДПнинг асосий хусусияти унинг модули қурилишидир. «Проводка-Асосий китоб-Баланс» модули кичик корхоналарники каби АДПнинг асоси бўлади, унда ҳисобнинг кенг ёйилган тахлилий ҳисоби олиб борилувчи баъзи бир участкалари бўйича модуллар қурилган. Масалан, ҳисобнинг иш ҳақи, материаллар, асосий воситалар, хазина, банк, шартномалар, етказиб берувчилар ва бошқалар каби участкалари бўйича тахлилий ҳисоб мустақил усулда амалга оширилади, аммо кейинчалик уларни якуний бухгалтерия ҳисоботини тузилиши таъминладиган «Проводка-Асосий китоб-Баланс» модулига мужассамлашуви содир бўлади. Бу АДПлар «кичик-ҳисобхона»дан келиб чиққанлар ва энг кенг тарқалгандирлар. Бу синфдаги энг яхши АДПлар «Парус», «Компех+», «Бухкомплекс»лардир.

«Бухгалтерия ҳисобининг комплекс тизими» АДПлари бухгалтерия дастурларини мавжуд бўлишининг энг эски шаклидир. Ҳисобнинг ҳар бир бўлими остида белгиланган АДПни яратилиши тарихан замонавий ШКларни пайдо бўлишига қадар вужудга келган. Бу синфнинг АДПлари ўрта ва йирик корхоналар учун энг рационал бўлади ва бухгалтерия ҳисобининг кенгайтирилган тахлил ҳисоб олиб бориладиган ва йиғма ҳисобнинг АИЖ ва ҳисобнинг айрим участкасининг АИЖ ўртасидаги ахборотларни алмаштириш интерфейсини таъминладиган участкалари бўйича маҳаллий, аммо ўзаро боғланган АДПлар мажмуасинида мавжуд бўлиши кўзда тутилади. Мажмуа АДПнинг таркиби қуйидагича: «Проводка-Асосий китоб-Баланс», меҳнат ва иш ҳақининг ҳисоби, ишлаб чиқаришда харажатларнинг ҳисоби, молиявий ҳисоблаш операцияларининг ҳисоби, тайёр маҳсулотларнинг ҳисоби, фондларнинг ҳисоби, молиявий натижаларнинг ҳисоби, корxonанинг молиявий ҳолатининг тахлили. Бухгалтерия вазифалари анъанавий мажмуасининг таркиби янги бошқарув, савдо ва тахлилий модулларини яратилиши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин. Бунда асосий тамойилга риоя қилиш зарур —

АДПлар ўзаро ахборотли боғланган бўлишлари керак, бу фақат АДПнинг бутун мажмуасини битта фирмадан харид қилингандагина мумкин.

ЙИРИК КОРХОНАЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МАСАЛАЛАРИНИ КОМПЬЮТЕРДА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Йирик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш муаммоси ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳаммадан аввал катта ҳажмдаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаб чиқариш, уларни таҳлил қилиш ва улардан бошқарув қарорларини қабул қилишда ўз вақтида рационал фойдаланишдан иборат.

Катта ҳисоблаш машиналари даврида йирик саноат корхоналари учун биринчи бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари (БХАТ) яратилган. Бундай ҳисоблаш ахборотларни ишлаб чиқишни автоматлаштиришга имкон берган. Республикадаги иктисодий ўзгаришлар, ҳамда ШКларнинг пайдо бўлиши бу синфдаги ҳисоблаш воситаларининг деярли тўлиқ йўқолиб кетишига олиб келди. Ҳисоб ахборотларини марказлашмаган ҳолда ишлаб чиқиш кенг тарқалди. ШКдан фойдаланиш ахборот манбаларини воситачилар (ҳисоблаш марказлари, корхоналарнинг ахборотларини тайёрлаш бўйича бўлимлари ва бошқаларни) четлаб ўтган ҳолда, ушбу ахборотнинг фойдаланувчиси ҳисобига яқинлаштирди, ҳамда ШК заминида ҳисобчининг автоматлаштирилган иш жойини (ХАИЖ) яратишга олиб келди. Ҳисоб ахборотларини ишлаб чиқаришнинг барча тадбирларини бевосита иш жойида автоматлаштиришнинг имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда БХАТнинг янги истеъмолчилари — йирик корхоналар менежерлари учун бозор шароитларида нафақат ҳисоб вазифаларини автоматлаштириш, балки корхоналарни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш, молиявий мувозанатни сақлаб қолиш, барқарор фойда олиш имконияти муҳимдир. Шунинг учун ҳам йирик корхоналарнинг БХАТи қуйидагиларни таъминлаши керак:

- бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили, ҳамда ички аудит вазифаларининг бутун мажмуасини автоматлаштирилган ҳолда ечимини;

- корхонадаги ишларнинг жорий ҳолати ҳақида тезкор, доимо ўзгариб турувчи ахборотларини олишни. Бундай усул, масалан, ўз ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган йирик саноат корхоналари учун ҳам, товарлар ва бошқа маблағларнинг ҳаракати ва мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар қисқа вақт ичида янгиланмаган ҳолларда зарарлар кўриши мумкин бўлган йирик савдо уйлари учун ҳам, ҳамда катта ҳажмдаги маблағларнинг доимий ҳаракати содир бўладиган бошқа корхоналар учун ҳам муҳимдир. Бунда асосий эътибор тезкор таҳлилий ҳисобларни ва киритилган молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича маълумотларни олишга қаратилиши керак;

- бирлаштирилган ҳолда ҳам бошқариш, ҳам умумлаштирилган молиявий ҳисоботни олиш имконияти. Йирик корхоналар филиаллар ва узоқ масофадан

омборларга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, бундай корхонанинг маблағлари мулкдорлар гуруҳига тегишли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай тизимлардан марказдан туриб тезкор бошқариш учун маълумотларни алмаштиришни амалга ошириш имкониятига эга узоклаштирилган иш жойларининг мавжудлиги муҳимдир.

Ушбу талабларга жавоб берувчи йирик корхоналар БХАТни марказлаштирилган бошқарувга эга тармоқда ҳисоб ходимларининг АИЖ мажмуаси асосида яратиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий ва мамлакатимизнинг ушбу соҳага тегишли назарияси ва амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, йирик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби бошқарувининг икки даражали, — **тизим бошқаруви** ва **молиявий ҳисоб** бўйича ташкил қилинади. Бунда ахборотлар фақат фойдаланувчилар учун мўлжаллангандир.

Бошқарув ҳисоб таннарх кўрсаткичлари, бўлинмаларнинг ҳаражатлари билан иш олиб боради, жавобгар шахслар, фаолият секторлари, бошқа бўлинмалар бўйича ўтказилган операцияларнинг натижаларини аниқлайди. Смета, меъёрнома, калькуляция, ҳаражат ва натижаларнинг мувофиқ нисбатлар — бошқарув ҳисобининг объектидир. Унинг таҳлилий маълумотларидан операция, бўлим, бригада ва бўлинмаларни бошқаришда кенг фойдаланилади.

Бошқарув ҳисобининг ахборотлари мавжуд ҳолатни акс эттирувчи ички йўналтиришга эга. Ундан ишлаб чиқарувчи, бошқарув ходимлари, дирекция томонидан хўжалик ичидаги бошқарув учун фойдаланилади ва кўпинча тижорат сири ҳисобланади.

Молиявий ҳисоб ахборотларни умумлаштириш ва синтез қилишга йўналтирилган. У баъзи бир давр учун корхона фойдасини тезкор аниқлашга, корхонанинг активлари ва пасивларини ҳисобот баланси шаклида умумлаштиришга, корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини таърифлашга имкон беради.

Молиявий ҳисоб ахборотларидан ташқи истеъмолчи, сармоядор, кредитор, бошқа ташкилот ва корхоналар кенг фойдаланадилар. У яна бошқарув ходимлари, молиячи, корхона ҳиссадори, бошқарув аъзоларига ҳам молиявий қарорларни қабул қилиш, корхона иқтисодиётини режалаштириш ва башоратлаш, ахборотнинг иқтисодий таҳлилинини олиш учун ҳам зарурдир.

Молиявий ҳисоб барча учун умумий бўлган қоидалар томонидан тартибга солинади, бу ахборотларни ҳамма учун бир хил ва тушунарли бўлишини кафолатлайди. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги мустақил мутахассис аудитор томонидан тасдиқланади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби — бирламчи маълумотлар ва бирламчи ҳужжатларнинг биттагина ахборот тўпламига асосланган, бухгалтерия ҳисобининг мустақил, аммо ўзаро боғланган тизимчаларидир. Ҳар бир тизимча учун бирламчи маълумотларни алоҳида йиғиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар бир-бирлари билан ўзаро яқиндан боғланганлар ва ахборотларни ўзаро алмаштирмасалар ҳам бўлади.

Бирламчи ҳисоб ахборотларни йиғиш, рўйхатга олиш, жамлаш, сақлаш ҳамда уни бундан кейин ишлаб чиқиш учун узатишдан иборат бўлади.

Бирламчи ҳисобнинг ахборотлари БҲАТдаги бошқарув, молиявий ҳамда бошқарув қарорларини тайёрлаш ва уларни қабул қилишда бирламчи ахборотлардан фойдаланувчи бошқа тизимчалар учун тескари алоқани таъминлайди.


Шу муносабат билан йирик корхоналарда БҲАТни яратишда уларни бирламчи ҳисобга асосланган тизимчаларга ажратиш керак.

Йирик корхоналарда БҲАТ ёрдамида ҳисоб ахборотларини ишлаб чиқиш **бирламчи, бошқарув ва молиявий ҳисобнинг** учта босқичида олиб борилади (3 - расм). Ҳар бир босқичда ҳисоб ахборотларини йиғиш, рўйхатга олиш, ишлаб чиқишнинг услубиётига мувофиқ иқтисодчи, ҳисобчи, молиячи ва таҳлилчиларнинг ўзаро боғланган АИЖ (ҲАИЖ) яратилади.

Маълумотларни ишлаб чиқиш учун АИЖни бевосита ҳисобнинг ҳар хил босқичлари бўйича мутахассисларнинг иш жойларида қўлланиши қоғоз манбаларидан энг кам фойдаланишни, ахборотларни ишончилиги ва тўлиқлигини таъминлайди.

АИЖ вазифавий участкалар бўйича ташкил қилинган, улардан ҳар бири ёки бирламчи ҳисоб (материаллар, тайёр маҳсулотлар, табелли ҳисоб) билан ёки хўжалик операциялари, (моддий бойликлар, асосий воситалар ва номоддий активлар, меҳнат ва иш ҳақи, молиявий-ҳисоблаш операциялари, тайёр маҳсулотлар ва уларни сотишнинг ҳисоби бўйича) узлуксиз рўйхатга олиш ва ишлаб чиқиш амалга ошириладиган бухгалтерия ҳисобининг белгиланган объектлари билан, ҳамда йиғма ҳисоб ва ҳисоботларни тузиш, режалаштириш ва таҳлил филиш, ҳамда ички аудит билан боғланган.

Участкаларни ажратишда шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир участка қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:



3 - расм. Йирик корхонадаги БҲАТда ҳисобнинг бошқичлари бўйича ҲАИЖнинг ўзаро алоқалари ва тақсимланишининг чизмаси.

- ўзининг хўжалик операциялари ва мажмуасига эга бўлиши;
- ўзининг бошқа участкалар билан тугашувчи сўтларининг кўплаб режаларига эга бўлиши;
- ўзининг, фақат унта хос бўлган, бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобот шаклларига эга бўлиши.

Яна корхонада вужудга келган аниқ шароитларни ва ҳисоб сиёсатининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ҳар бир АИЖ ва уларнинг гуруҳлари учун мустақил дастурий модел ишлаб чиқилади. Шу тартибда ташкил қилинган БХАТнинг таркибий қисми АИЖларини қўшиш ёки чиқариб ташлаш имкониятига хос бўлган очиқ модул-ли тизимдан иборат бўлади. Бу жуда муҳим, чунки БХАТни ишлаб чиқаришда вақт ўтиши билан қўшилган модуллар бутун тизимни қайта қурилишини талаб қилмасликлари керак. Турли хилдаги АИЖнинг ахборотларини солиштирила олиниши меъёрий-маълумотномавий ахборотларнинг ягона фондини яратиш ҳисобига таъминланади.

Ташкилий ва ҳисоблаш техникасининг фойдаланилаётган воситаларига кўра алоҳида АИЖ ва БХАТ ўртасидаги ахборот алмашуви икки усулда амалга оширилиши мумкин:

1. Магнитли манбалар (дисклар) ёрдамида.

2. Тармоқ мавжудлигида алоқа каналлари бўйича, ҳамда модемли алоқа шлюзлари орқали маълумотларни электрон алмаштириш воситаси асосида.

Биринчи усул ҳар бир босқичнинг алоҳида участкалари бўйича ҳисобни олиб боришини таъминлайди. Ҳисобот даври учун баланс ҳар хил участкалар (проводкалар ва файллари)да олинган маълумотларни бирлаштириш йўли билан шакллантирилади.

Иккинчи усул бухгалтерия ҳисобини барча участкалар бўйича олиб бориш билан бир қаторда корхонадаги ишларнинг жорий ҳолати ҳақидаги тезкор ахборотларни олишга имкон беради. Ҳисоб маълумотларини ишлаб чиқишнинг бундай усулида биринчи босқич (бирламчи ҳисоб) бўлган узоклаштирилган АИЖ, иккинчи босқич (бошқарув ҳисоби) АИЖ билан электрон почтанинг модемлари орқали боғланган. Иккинчи ва учинчи (молиявий ҳисоб) босқичлар АИЖлари тармоқда алоқа каналлари орқали ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Кўпгина бухгалтерия ёзувларидан ташкил топган файллар АИЖлари ўртасида маълумотларни алмаштиришнинг бирлиги бўлиб хизмат қилади. Бундай алмашув жараёнларида натижа берувчи файллар хўжалик операцияларини амалга оширгани сари узлуксиз янгиланадилар. Шундай қилиб, ҳар бир босқич дастлабки ахборотларни ишлаб чиқишини натижа берувчи маълумотларни олинишини ва уларни юқорироқдаги босқичга автоматлаштирилган усулида узатилишини кўзда тутлади.

Биринчи босқич (бирламчи ҳисоб)да бирламчи ҳисобни олиб борувчи ходимларнинг АИЖ ёрдамида корxonанинг ишлаб чиқариш хўжалик бўлинмалари (цех, омбор ва бўлимлар)да вужудга келадиган бирламчи ахборотларни йиғиш, рўйхатга олиш, жамлаш ва қисман ишлаб чиқиш бажарилади. Ушбу

босқичда моддий бойликларнинг ҳисоби, табел ҳисобини олиб бориш ва омбордаги тайёр маҳсулотларнинг ҳисоби бўйича АИЖ фаолият юритади.

Ҳар бир участкада олинган натижа берувчи маълумотлар модемли алоқа асосида иккинчи босқич **бошқарув ҳисобига** келиб тушади, у қўл меҳнат талаб қилувчи операциялар, ҳамда ҳисоб номенклатураларининг катта ҳажми билан таърифланади. Ушбу босқичда бирламчи ҳужжатларнинг маълумотлари ва қуйи босқичдан электрон почта орқали олинган ахборотлар рўйхатга олинади ва синтетик ҳамда таҳлилий счётлар тизимида гуруҳларга ажратилади. Бунинг учун хўжалик маблағларининг қолдиқлари ва уларнинг манбалари ҳақидаги маълумотлар, ҳар хил ҳисоб қайдномаларида акс этирилади. Иккинчи босқичда (моддий бойлик, асосий восита ва номоддий активлар, меҳнат ва иш ҳақи молиявий ҳисоблаш операциялари, тайёр маҳсулотлар ва уларни сотилиши, ишлаб чиқаришига харажатларнинг ҳисоби бўйича) **ҲАИЖ фаолият юритади**. У корхонанинг барча хўжалик операцияларини қийматий баҳода, бухгалтерия ёзувларининг файллари кўринишида акс этирилиувчи натижа берувчи маълумотларни шакллантиради.

Бу ахборотлар маълумотларни ишлаб чиқаришнинг юқорироқ учинчи босқичи, **молиявий ҳисобга** узатилади, у ерда йиғма ҳисоб, молиявий таҳлил ва режалаштириш ҳамда ички аудитнинг АИЖ ташкил қилинади.

Йиғма ҳисобнинг АИЖ ёрдамида пастки босқичлардан алоқа каналлари бўйича келиб тушувчи таҳлилий ва синтетик ҳисоб маълумотлари асосида Асосий китоб, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот ва синтетик таҳлилий ҳисобнинг бошқа ҳисоб қайдномалари шаклланади.

Молиявий таҳлил ва режалаштириш АИЖ қарорлар қабул қилиш учун таҳлилий ахборотларни шакллантириш, ҳамда раҳбариятга тезкор ахборотлар беришга имкон берувчи молиявий таҳлил ва режалаштиришни таъминлайди. Бундай ахборотларни таннарх, фойда кўрсаткичлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа бухгалтерия ёзувларининг ҳолати, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари, турли хилдаги иқтисодий кўрсаткичлар, таҳлилнинг натижалари, башоратлар, ходимлар ҳақидаги маълумотлар киради. Бу барча ахборотларни вақтнинг исталган пайтида сўров бўйича олиш мумкин.

Ички аудиторнинг АИЖ бухгалтерия андозаларидаги ўзгаришларни кузатишга, хўжалик вазиятлари ва қонунчиликни таҳлил қилишга, ҳисоб сиёсати, харажатларни тартибга солиш ва инвестицион сиёсатини рационал қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқариш, солиқларни режалаштиришни амалга оширишга имкон беради.

Умуман молиявий ҳисобнинг маълумотларидан корхона иқтисодиётини режалаштириш ва башорат қилишда, молиявий менежментда, корхонанинг барча ахборотларининг иқтисодий таҳлилида фойдаланилади.

БҲАТни оптимал фаолият юритиши натижада раҳбариятга қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган объектив ва тезкор маълумотлар шаклланади. Бу қарор молиявий мувозанатни сақлашга, бозор шароитларида барқарор фойда ва юқори рентабелликка эришиш учун ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг энг самарали йўналишларини танлашга имкон беради.

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ

Кичик корхоналарда БҲАТ яратишда ШКдан кенг фойдаланиш ҳисобчининг иш жойида ахборотларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва узатиш бўйича барча тадбирларни автоматлаштиришга имкон беради.

Бундай БҲАТни яратишда бир неча ёндошишлар мавжуд. Бу оддий ва унчалик ривожланмаган тузилмага эга кичик корхоналар бошқарув тизимини алоҳида тизимча сифатида олиб боришни талаб қилмайди.

Биринчи ёндашишда фақат молиявий ҳисобни автоматлаштирувчи тизим яратилади. Бундай БҲАТ — мини-ҳисобхоналар синфига киради. Қоидага кўра бу тизимда бухгалтерия ҳисоби битта одам — ҳисобчи томонидан олиб борилади.

Иккинчи ёндашишда молиявий ҳисобдан ташқари қисман бошқарув тизими ҳам ҳар томонлама автоматлаштирилади. Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобини иккита одам: ҳисобчи ва унинг ёрдамчиси ёки киришни чеклаш йўли билан битта иш жойида, ёки иккита иш жойларида олиб борилади.

Молиявий ва бошқарув ҳисобини замонавий компьютер технологиялари асосида автоматлаштириш **учинчи ёндашишда** эришилади. Бундай тизимда ишлаб чиқиладиган ахборотларнинг катта ҳажмларида кўп фойдаланувчанлик усулидан фойдаланилади. Унда бир неча ШКлар маҳаллий тармоққа бирлаштирилади. ШКнинг ҳар бири эса ҳисобчининг алоҳида иш жойи сифатида кўриб чиқилади.


Ёндашишни танлаш корхонанинг турига ва унинг катталигига боғлиқ.

Йирик корхоналардан фарқлироқ, кичик корхоналарда асосий эътибор молиявий ҳисобни олиб борилишига қаратилади, у кўп меҳнат талаб қилиши ва аҳамият бўйича асосий ўринни эгаллайди. У ҳисоб ахборотларини умумлаштириш ва синтез қилишга қаратилган.

4-расмда кичик ва ўрта корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг дастурий мажмуасини таркибий тузилиши келтирилган.

Ҳисобни алоҳида, масалан меҳнат ва иш ҳақининг ҳисоби, тайёр маҳсулотлар ва уларни сотишнинг ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисоби, моддий бойликларнинг ҳисоби, йиғма ҳисоб ва бошқалар каби бўлимлар бўйича олиб бориш алоҳида дастурий модулларни қўллаш воситасида амалга оширилади. Ўзгартиришлар киритиш имконияти мумкинлиги тамойилидан фойдаланиш билан ягона дастурий мажмуа яратилади, у фойдаланувчи ҳисобига мўлжалланган ва қўлда қилинадиган барча ҳисоб ишларини қамраб олади. Ҳисобчининг бу шароитлардаги асосий роли хўжалик операцияларини расмийлаштириш тўғрилигидан, қарорлар қабул қилинишидан, ҳисобот ҳужжатларини шакллантириш тўғрилигини таҳлил ва назорат қилишдан иборат бўлади. Ҳисобчининг иши унумлироқ бўлади, **ШК унинг фаолиятидаги асосий қуролга** айланади.

Кичик корхоналардаги молиявий ва бошқарув ҳисобини қамраб олувчи бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш учун дастурий мажмуа иккита модулдан ташкил топади.



4-расм. Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг дастурий мажмуасини таркибий тuzилиши.

Бошқарув ҳисобининг модули товар-моддий бойликлари ва арзон ҳамда тез эскирувчан молларнинг ҳисоби, тайёр маҳсулотлар (савдо корхоналари учун-товарлар)нинг ҳисоби, иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар бўлимлари учун сўмдаги ва миқдорий акс эттирилгандаги ҳисобни олиб боришга имкон беради. Бу бўлимларнинг мажмуасини фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш мумкин.

Ҳисоб бўлимлари бўйича таҳлилий регистрлар-бирламчи ҳужжатлар ҳисобининг қайд дафтари, товар моддий бойликлар ҳисобининг қайд дафтари, хўжалик операциялари ҳисобининг қайд дафтари ушбу модулнинг асосий ҳисоб регистрлари бўлади.

Молиявий ҳисобнинг модули бухгалтерия ҳисобининг барча сўмлари бўйича ҳисоб олиб боришга имкон беради. Таҳлилий регистрлар (бирламчи ҳужжатларнинг қайд дафтари, хўжалик операцияларининг қайд дафтари) ва

якуний ҳисоб регистрлари (асосий китоб, айланма қайдномалар) унинг асосий ҳисоб регистрларидан бўлади.

Модуллар ўртасидаги алоқа хўжалик операцияларининг қайд дафтари орқали амалга оширилади.

Дастурий мажмуа билан ишлаш маълумотномаларни тўлдириш билан бошланади (5-расм). Бу мажмуа аниқ корхона ҳисобини олиб боришни сошлаш учун қилинади.

Белгиланиши бўйича барча маълумотномалар бешта гуруҳга бўлинадилар:

1. Умумий белгиланиш маълумотномалари:

- ҳужжатларнинг номлари (SPRDOK);
- корхоналар (SPRPR);
- счётлар бўйича алоқа-хизматлар, транспорт хизматлари ва бошқалар (SPRUS).

2. Материаллар-товар бойликларнинг қайд дафтари билан боғлиқ маълумотномалар:

- материал-товар бойликлар (SPRM);
- ўлчов бирликлари (SPRED);
- ҳаракат операциялари (SPROP).

3. Бухгалтерия ёзувлари билан боғлиқ маълумотномалар:

- бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси (SPRCH);
- бухгалтерия проводкалари (SPRPROV);
- проводкаларнинг гуруҳлари (SPRGR);
- солиқлар (SPRNAL).

4. Таҳлилий ҳисоб билан боғлиқ маълумотномалар:

- корхонанинг объектлари (SPROB);
- бўлинмалар (SPRPOD);
- таҳлилий ҳисобнинг кодлари (SPRAN);

5. Валюта курслари билан боғлиқ маълумотномалар (SPRVAL).

Тузилиши бўйича маълумотномалар оддий ва мураккабларга бўлинадилар.


Оддий маълумотномалар андозавий тузилишга эга: код, ном, қўшимча аломатлар (ҳужжатнинг номи, ўлчов бирлиги, счёт бўйича хизматлар, ҳаракат операциялари).

Мураккаб маълумотномалар ўз ичига маълумотларнинг киритилганлигининг иккита ва ундан ортиқ босқичларини олади. У ёзувларнинг катта миқдорини экранда жойлаштириб бўлмайдиган катта ҳажмли маълумотномалар билан ишлаш учун мўлжалланган.


Мисол учун икки босқичли маълумотномалар, бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси бўйича тўққизта бўлимдан иборат (счётларнинг режасига мувофиқ). Ҳар бир бўлим тегишли счётга эга. Бўлимдаги ёзувлар миқдори — 20 га яқин. Уларни яхлитгина экранга чиқариш мумкин.

Уч босқичли маълумотнома ҳам бўлимлардан иборат бўлиб, улардан ҳар бири бўлимчаларга эга.

Дастлабки ахборот базага бирламчи ҳужжатлардан киритилади. Автоматлаштириш учун ҳисоб бўйича қуйидаги андозавий бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилади:



5 – расм. Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда олиб бориш маълумотлари чизмаси.



5 – расмнинг давоми.

- моддий бойликларнинг ҳаракати (кириш ордери, қабул қилиш далолатномаси, юк хати, рўйхатдан чиқариш далолатномаси, талаб, лимит картаси);
- молиявий-ҳисоблаш операциялари (тўлов топшириқномаси (ТТ), тўлов талабномаси-топшириқномаси (ТТТ), кириш ва чиқиш касса ордерлари (ККО ва ЧКО) ва бошқалар);
- асосий воситалар (асосий воситалар ҳисобининг йўқнома қилиш варақчаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, асосий воситаларни тугатиш далолатномаси, ички силжиши бўйича юк хати);

- меҳнат ва иш ҳақи (иш вақти ҳисобининг табели, соатбай ишга наряд, ишлаб чиқишлар ҳақида билдиргич);

- тайёр маҳсулотлар (товарлар) — далолатномаси, кирим ордери, буйруқ-юк хати, қабул қилиш-топшириш юк хати, омборхона ҳисобининг варақчаси, етказиб бериш шартномаси ва бошқа ҳужжатлар.

Бирламчи ҳужжатларнинг ахборотлари асосида тезкор ахборотларнинг файллари шакллантирилади, уларга тегишли маълумотномаларнинг ахборотлари автоматлаштирилган усулда киритилади.

Маълумотномалардан бундай фойдаланиш ахборотларни маълумотлар базасига киритишни тезлаштиради, унинг аниқлиги ва ишончлигини оширади.

Бирламчи ҳужжатларнинг қайд дафтари (GUPD) тезкор ахборотларнинг асосий файли бўлади. Унга хўжалик операциялари ўтказган бирламчи ҳужжатларнинг ахборотлари киритилади. Белгиланган шаклда тузилган ва олтита асосий реквизитлар (ҳужжатнинг номи, рақами, ёзилиш санаси, уни расмийлаштирган корхонанинг номи, ҳужжат бўйича хўжалик операциясини ўтказиш санаси)га эга ҳужжатлар ҳисобга қабул қилинадилар.

Агар ҳужжатнинг биринчи бешта реквизитлари кўрсатилган бўлса, унга ҳужжат рўйхатга олинган ҳисобланади, аммо у бўйича хўжалик операциялари ҳисобининг қайд дафтари (GUHO)да проводкаларни расмийлаштириш мумкин эмас. Буни ҳужжатнинг юқорида санаб ўтилган барча олтита реквизитлари тўлғизилгандан кейин қилиш мумкин. Шундай қилиб, проводка эмас, балки бирламчи ҳужжат барча ҳисоб тадбирларининг асоси бўлади. Бундай ёндошишнинг асосий афзаллиги дастлабки ахборотлар билан ишлашнинг табиийлигидир. Фойдаланувчи фақат ҳужжатнинг тегишли макетининг экран шакли майдонини тўлдиради, тузатиш киритишларни эса дастур бажаради. Бу дастлабки ахборотларни киритиш тадбирини соддалаштиради, киритилаётган маълумотларни кўздан кечиришни енгиллаштириш ҳисобига хатолар сонини қисқартиради. GUPD файли уз ичига қуйидаги реквизитларни олади:

- ҳужжатнинг номи;
- корхона;
- операциянинг санаси;
- миқдор;
- бухгалтерия ёзуви гуруҳининг номи;
- изохлар;
- ҳаракат операцияси.

GUPD файли асосида ҳисоб бўлимлари бўйича тезкор ахборотларнинг файллари-товар моддий бойликлар ҳисобининг қайд дафтари шаклланади:

- материаллар (GUM);
- арзон ва тез эскирувчан моллар (GUMBP);
- асосий воситалар,(GUOS);
- тайёр маҳсулотлар (товарлар) (GUTP);
- хўжалик операциялари (GUHO).

Бу файлларнинг ахборотлари асосида сақлаш жойлари (омборхоналар) ёки бўлиш жойлари (ишлаб чиқариш) бўйича моддий бойликларнинг сўмдаги ва миқдорий ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисоби, тайёр

маҳсулотлар (товарлар) ва уларни сотишнинг ҳисоби олиб борилади. GUM файли ўз ичига қуйидаги реквизитларни олади:

- ҳужжатнинг номи;
- ҳужжатнинг номери;
- операциянинг суммаси;
- корхона;
- операциянинг санаси;
- ҳаракат операцияси;
- моддий-товар бойликнинг номи;
- тури;
- номенклатура номери;
- кирим (объект ва бўлинма, счёт/субсчёт);
- чиким (объект ва бўлинма, счёт/субсчёт);
- ўлчов бирлиги;
- миқдори;
- нархи;
- қўшимча қиймат;
- сумма.

GUMBP худди шундай реквизитларга эга. Арзон ва тез эскирувчан моллар бўйича емирилиш ҳисоблаб чиқилади.

Арзон нархли ва тез эскирувчан товарлар бўйича емирилишни корхонанинг ҳисоб сиёсатига кўра GUMBP файли асосида шакллантирилган таҳлилий ҳисобнинг қайдномасида олиш мумкин.

GUOS файли QUM файли каби реквизитларга ҳамда қуйидаги қўшимча реквизитларга эга:

- фойдаланишга киритиш санаси;
- йўқнома қилиш номери (кирши, чиқариш);
- амортизациянинг (йиллик) фоизи;
- амортизация фоизининг ўрнатилиш санаси;
- емирилиш;
- бошланғич йўл юриши;
- якуний йўл юриши.

GUTP файлига корхона томонидан сотиш учун харид қилинган товарлар ҳақидаги ва сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ҳақидаги ахборотлар келиб тушади. Файлда GUM файлидаги каби реквизитлар бўлади. Бундан ташқари, яна битта реквизит-нарх (харид қилиш ёки сотиш) бўйича ҳисоб пайдо бўлади.

Товар-моддий бойликлар ҳисобининг қайд дафтари GUPD ва GUHO файллари билан боғланганлар. Улар ёки GUPD асосида, ёки GUHO файли асосида шаклланишлари мумкин. GUHO файли аҳамияти бўйича GUPD файлидан кейин иккинчи бўлади. Унда корхона фаолиятини акс эттирувчи барча хўжалик операциялари маълумотлари сақланади. GUHO файлига янги маълумотлар GUPP файли асосида киритилади. GUHO файли қуйидаги реквизитлардан ташкил топади:

- ҳужжатнинг номи;

- хужжатнинг номери;
- сана;
- сумма;
- корхона;
- операциянинг санаси;
- операциянинг номи;
- счёт (дебет, кредит);
- тахлилий ҳисобнинг коди (дебет, кредит);
- валюта;
- валютадаги сумма;
- сўмлардаги сумма.

ТТ, ТТТ, ККО ва ЧКО бирламчи хужжатлар, счётлар ва товар-транспорт юкномалари қуйидаги тезкор ахборотлар файлларини шакллантириш учун қўлланилади:

- тўлов топширикномаларини рўйхатга олишнинг қайд дафтарчаси (GRPP);
- тўлов топшириқ-талабномаларини рўйхатга олишнинг қайд дафтарчаси (GRPTP);
- кирим касса ордерларини рўйхатга олишнинг қайд дафтарчаси (GRPКО);
- чиким касса ордерларини рўйхатга олишнинг қайд дафтарчаси (GRRКО);
- товар-транспорт юк хатларини рўйхатга олишнинг қайд дафтарчаси (GRTTN).

GRPP файли қуйидаги реквизитларга эга:

- тўловчи;
- тўловчининг банки;
- филиаллараро айланма (ФАО)нинг коди ва иштирокчи коди;
- дебиторлик счёт (ҳисоб рақами);
- сана;
- тўлов топширикномасининг номери;
- қабул қилувчи (корхонанинг қисқача ва тўлиқ номи);
- қабул қилувчининг банки;
- код (МФО)нинг ва иштирокчининг коди;
- счёт (олувчининг ҳисоб рақами, корреспондент счёти);
- изохлар (тўловчининг белгиланиши);
- номер (вилоят (туман)нинг номи ёки солиқ инспекциясида рўйхатга олинган номери);
- код (тўловчининг, қабул қилувчининг);
- хизматларнинг санаси;
- тўлов муддати;
- корреспондент счёти;
- бухгалтерия ёзувлари гуруҳи;
- бажарилиш санаси.

GRPTP файли худди шундай реквизитларга эга. GRPКО ва GRRКО файллари ёзувнинг бир хил тузилишига эга, уларга қуйидаги реквизитлар киради:

- сана;

- хужжатнинг номери;
- сумма;
- ундан олинган чиқим (касса ордери учун бериш керак);
- асос;
- таклиф;
- корреспондент счёти;
- тахлилий ҳисобнинг шифри;
- шифр;
- бухгалтерия ёзувининг гуруҳи;
- корхона (ундан пуллар келиб тушган).

GRPP, GRPTP, GRPKO, GRRKO файллари маълумотлар асосида дастурий йўл билан тўлов хужжатлари ТТ, ТТТ, ККО, ЧКО шакллантирилади. Хужжат бўйича хўжалик операцияси ўтказилгандан кейин, уни ҳисобда бухгалтерия ёзувини бажариш йўли билан акс эттирилади. Бу ёки бирламчи хужжат ахборотларини GUPD файлига ва кейин GUNO файлига киритиш йўли билан, ёки ахборотларни бирламчи хужжатларни рўйхатга олишнинг қайд дафтари файлидан GUNO файлига узатиш йўли билан бажарилади. Шундай қилиб, хўжалик операциялари ҳисобда фақат бирламчи хужжат шаклланган ва у тасдиқлан-гандан кейин акс эттирилади. Бундай ёндашишда дастурий мажмуанинг маълумотлар базасида бирламчи хужжатлар ва уларга мос келувчи бухгалтерия ёзувлари сақланади. Сақланаётган ахборотларнинг ҳажмларида белгиланган ортикчалик мавжуд, аммо дастур билан ишлаш технологияси соддалашади ва хужжат статусини белгилаш билан боғлиқ муаммолар олиб ташланади.

GRCH ва GRTTN файллари счётлар ва товар-транспорт юк хатларини босиб чиқаришга мос ҳолда шакллантиришга мўлжалланган.

GRCH файли қуйидаги реквизитларга эга:

- счёт рақами;
- сана;
- тўловчи (манзил, иштирокчининг коди, банкнинг МФО, корреспондент счёта, ҳисоб рақами);
- счётнинг предмети (счёт бўйича хизматлар, материаллар, арзон ва тез эскирувчан моллар, товарлар ва бошқалар);
- ўлчов бирлиги;
- миқдор;
- сумма;
- жами;
- тасдиқлаш санаси;
- ҳақ тўлаш санаси.

Барча счётлар тўртта гуруҳларга бўлинади:

- ёзиб берилган;
- тасдиқланганлар;
- ҳақ тўланганлар;
- муддати ўтказиб юборилганлар.

Ёзиб берилганларга барча счётлар кирадилар. **Тасдиқланганларга**— амалда ҳали ҳақ тўланмаган, аммо тўловчилар уларни тўлашга хоҳиши билдирган счётлар кирадилар. **Ҳақ тўланган** счётлар — бу улар бўйича тўлов ўтган счётлар. Муддати ўтказиб юборилганга ҳақ тўлашнинг барча **муддатлари ўтказиб юборилган** счётлар киради.

GRTTN файли ўз ичига қуйидаги файлларни олади:

- кимдан (корхонанинг реквизитлари);
- юк хатининг рақами;
- сана;
- кимга (корхона, корреспондент);
- номи;
- ўлчов бирлиги;
- миқдор;
- сумма;
- жами.

Бирламчи ҳужжатлардан шаклланган тезкор ахборотларнинг файллари барча ҳисоб ахборотларини ШКда ишлаб чиқариш учун асос бўлади. Ушбу файлларнинг маълумотлари таҳлилий ҳисобнинг регистрлари (хўжалик операциялар ҳисобини қийматий акс эттирилишининг қайд дафтари бўйича таҳлилий қайдномалари)ни шакллантириш учун фойдаланилади. GUNO ахборот тўпламининг маълумотлари асосида якуний ҳисобнинг регистрлари: асосий китоб, якуний айланма қайдномаси, якуний валюта қайдномаси, келтирилган валюта қайдномаси, касса дафтарчаси шакллантирилади.

Таҳлилий ҳисобнинг регистрлари дастурий мажмуанинг ноандозавий қайдномаларидан иборат бўлади. Уларни фойдаланувчининг ўзи созлайди. Созлаш ҳисоб қайд дафтарларида майдонларни кўрсатиш ва қайдномаларни шакллантиришда улардан изчиллик билан фойдаланишдан иборат бўлади.

Таҳлилий қайдномалар қуйидагилар бўйича шаклланади:

- дебиторлар ва кредиторлар;
- харидорлар ва буюртмачилар;
- етказиб берувчилар ва пудратчилар;
- ҳисобот остидаги шахслар;
- ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг турлари;
- ҳаражатларни вужудга келиш жойлари;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг турлари;
- фойда ва зарарларнинг моддалари ва бошқалар бўйича.

Синтетик ҳисобнинг регистрлари — бу синтетик ҳисобнинг андозавий қайдномалари, уларни шакллантириш усулини ўзгартириш мумкин эмас.

Якуний ҳисобнинг регистрлари — счётлар бўйича якуний айланма қайдномалар, уларни алоҳида счётлар бўйича (1-жадвал) ёки ҳисобот даври учун барча Счётлар бўйича (2-жадвал) колдиқлар ва айланмалар кўчирилади ва умумлаштирилади.

Субсчётлар бўйича якуний айланмали қайднома худди счётлар бўйича якуний айланма қайдномага ўхшаш.

Асосий китоб сёт бўйича айланма қайдномага ўхшаш, аммо ундан фарқлироқ корреспондент сётлари бўйича тарқатилган сёт бўйича айланмаларга эга. Бухгалтерия ҳисобининг асосий китоби ҳар бир корреспондент сёти бўйича қуйидагиларга ажратилади:

- бошланғич сальдо (дебет, кредит);
- якуний сальдо (дебет, кредит);
- танланган давр учун бошқа сётлари билан корреспонденцияларга ёйилган айланмалар (дебет, кредит).

1 – жадвал.

2017 йил учун сёт якуний айланма қайдномаси

Бирламчи ҳужжат реквизитлари				Бухгалтерия ёзувлари суммаси			
Ҳужжат-нинг санаси	Ҳужжат	Ҳужжат-нинг номери	Операция-нинг санаси	Дебет бўйича сана	Кредит бўйича сана	Бухгалтерия ёзувининг корреспондент сёти	Операция-нинг номи
Айланма							
Якуний сальдо							

2 – жадвал.

2017 йил учун якуний айланма қайдномаси

Сёт рақами	Бошланғич сальдо		Айланмалар		Якуний сальдо	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Жами						
Йиғиштирилган						

Корхонанинг балансини исталган якуний айланма қайднома бўйича шакллантириш мумкин. Якуний валюта қайдномаси барча валюта сётлари бўйича якуний айланмали қайднома фақат битта танланган валюта учун шакллантирилади.

Келтирилган валюта қайдномаси — битта танланган валютада келтирилган якуний айланмали қайднома.

Касса китоби GUNO файлидан шакллантирилади.

У ҳар куни касса китоби учун белгиланган шаклда тузилади.

Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича дастурий мажмуанинг асосий менюси бешта асосий вазифалардан иборат:

- ҳисоб қайд дафтарлари;
- маълумотномалар;
- қайдномалар;
- созлашлар;
- сервис.

Ушбу мажмуа диалогли дарахти 6-расмда берилган.

Ҳисоб қайд дафтарлари уз ичига қуйидаги усулларни олади:

- Хўжалик операциялари;
- Материаллар;
- Арзон ва тез эскирувчан моллар;
- Товарлар;
- Асосий воситалар;
- ТТни рўйхатга олиш;
- ТТТни рўйхатга олиш;
- ККОни рўйхатга олиш;
- ЧКОни рўйхатга олиш;
- Счётларни рўйхатга олиш;
- Юк хатларини рўйхатга олиш.

Хўжалик операциялари, Материаллар, Арзон ва тез эскирувчан моллар, Товарлар, Асосий воситалар усулида бирламчи ҳужжатлардан Бирламчи ҳужжатларнинг қайд дафтари, Товар-материал бойликлар (ТМБ) ҳисобининг қайд дафтари ва Хўжалик операцияларининг қайд дафтари тўлдирилади.

Аввал бирламчи ҳужжатларнинг қайд дафтарида бирламчи ҳужжат расмийлаштирилади, кейин эса ёки хўжалик операцияларининг қайд дафтарида бухгалтерия ёзувлари ёки ТМБ ҳисобининг қайд дафтарида ТМБ ҳаракатининг ёзуви расмийлаштирилади.

ТТни, ТТТни, ККОни, ЧКОни, счётларни, юк хатларини ва бирламчи ҳужжатларни рўйхатга олишнинг қайд дафтари тўлдириш бажарилади. Ушбу усулларда ҳар қандай қайд дафтари, ҳамда хўжалик операцияларининг қайд дафтарида бухгалтерия ёзувлар бўлинмаган ҳужжатларни кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари счётларни рўйхатга олиш усулида ҳақ тўлашга счётни назорат қилиш мумкин.

Маълумотномалар вазифаси қуйидаги усулларни ўз ичига олади:

- Корхоналар;
- Счёт бўйича хизматлар;
- Ҳужжатнинг номи;
- Товар-моддий бойликлари;
- Ўлчов бирликлари;
- Ҳаракат операциялари;



6-расм. АДПнинг диалогли дарахти.

- Счётларнинг режаси;
- Бухгалтерия ёзувлари;
- Бухгалтерия ёзувлар гуруҳи;
- Солиқлар;
- Таҳлилий ҳисобнинг кодлари;
- Корхона объектлари;
- Валюта курси.

Ушбу вазифа АДПда амалда бўлган ҳар қандай маълумотномани тўлдиришга ва шунинг билан дастурий мажмуини аниқ корхонада бухгалтерия ҳисобини олиб боришга созлашга имкон беради. Ҳар бир усул алоҳида маълумотномага мос келади. Маълумотномаларни тўлдириш, кўриб чиқариш ва босиш чиқариш мумкин.

Қайдномалар вазифаси ҳар хил қайдномалар ва ҳисоботларни шакллантиришга имкон беради. У қуйидаги усулларга эга:

- Асосий китоб;
- Якуний айланиш;
- Счётлар бўйича якун;
- Валютада якуний натижа;
- Келтирилган валюта;
- Касса китоби;
- Қайднома-диаграммаси;
- Таҳлилий.

Ҳар қандай қайднома ёки ҳисоботни шакллантириш учун тегишли усулни танлаш ва ҳисоботни шакллантириш зарур бўлган даврни кўрсатиш керак.

Созлаш вазифаси дастурий мажмуани аниқ корxonанинг ҳисоб сиёсатига яқка тартибда созлаш учун мўлжалланган. Вазифа қуйидаги усулларни ўз ичига олади:

- ишни танлаш (ўрганувчи усул, корxonанинг тури);
- товушли сигналлар (дастур билан ишлаш вақтида товушли сигналлар ёки гапли маълумотларни созлаш);
- принтер, варақнинг формата (принтернинг белгиланган турига созлаш ва босманинг параметрларини белгилаш);
- сана ва вақт (компьютернинг ички соати ва календарини созлаш);
- иш даври (қайднома шакллантириладиган ҳисобот даврини белгилаш);
- текширишлар (дастурни ишлатишда ҳар хил текширишларни созлаш, маълумотномага киритилаётган маълумотларнинг мавжудлигини назорат қилиш, вирусга қарши дастур);
- тасдиқлаш (тасдиқлаш учун сўровларни белгилаш, масалан, ёзувни, ёзувлар гуруҳи, охириги ёзувни ва бошқаларни чиқариб ташлаш учун);
- экранни сақлаб қолиш вақти (экран ўчгунга қадар бўлган вақтни белгилаш);
- модемнинг порти;
- бошқа ўрнатмалар (тўлов хужжатларини босиб чиқаришда рақамларнинг форматини белгилаш; дастур билан ишлаш тугаганда маълумотларни

кодлаштириш; қайдномаларни шакллантиришда даврларни сўраш ва бошқалар).

Сервис вазифаси фойдаланувчини дастурий мажмуа билан ишлашни энгиллаштиради ва қуйидаги асосий усулларни ўз ичига олади:

- умумий ахборотлар (фойдаланувчи ишлаётган корхонани тури, диск ва тезкор хотирадаги бўш жой, иш даври ва бошқа ахборотларни олишга имкон беради);
- ёрдам (фойдаланувчига иш жараёнларида вужудга келадиган муаммолар бўйича аниқ маълумотлар олишга имкон беради);
- ишлаб чиқарувчининг визит карточкаси (ишлаб чиқарувчи фирма ҳақидаги ахборотлар: номи, манзили, телефони, дастур версиясининг номерини беради);
- базани тиклаш (архивни ШК қаттиқ дискдан, дискетлардан тиклаш учун хизмат қилади);
- базаларни текшириш (қаттиқ дискдаги файлларни тўғрилигини текширишга имкон беради);
- бирламчи ҳужжатларни шакллантириш (ТМБнинг ҳисоб қайд дафтарлари асосида Бирламчи ҳужжатлар қайд дафтарини шакллантириш);
- ҳисоб даврини ёпилиши (кейинги ҳисобот даврига ўтишда счётлар бўйича қолдиқларни автоматлаштирилган усулда ҳисоблашга имкон беради);
- даврни бекитишни бекор қилиш (ҳисобот даврини бекитиш бўйича аввал бажарилган операцияларни бекор қилади);
- файлни кўриб чиқиш (ҳар қандай матнли файлни кўриб чиқиш имкониятини таъминлайди);
- калькулятор (ҳисоблашларни бажариш учун кўрилган калькуляторни чақиришга имкон беради);
- реквизитни ўзгартириш (фойдаланувчига корхонани банк реквизитлари ва паролини ўзгартиришга ёки янгисини беришга имкон беради);
- базани сақлаб қолиш (архив дискетида ҳисоб қайд дафтарларининг маълумотларини сақлаб қолишга имкон беради);
- чиқиш (дастур билан ишни туталланишини таъминлайди).

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Корхона, фирма ва ташкилотлар фаолиятининг турини ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимчаси билан ахборотли алоқаларни аниқловчи қандай вазифавий тизимчалар мавжуд?

2. Бухгалтерия вазифаларини ҳал қилишда ҳисоблаш тармоқларини ташкил қилиниши муносабати билан иш жараёни ўзгаришларига таъриф беринг?

3. Бухгалтерия ҳисобининг ахборот таъминоти нимадан иборат?

4. Бухгалтерия вазифаларини ишлаб чиқаришнинг ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос аломатлари нимадан иборат?

5. Технологик жараённинг босқичларини айтинг ва уларнинг мажмуасини очиб беринг.
6. Бухгалтерия вазифаларини компьютерли ишлаб чиқиш технологиясининг дастурий таъминланишига таъриф беринг.
7. Кичик корхонада бухгалтерия ҳисобини ишлаб чиқиш учун қўлланиладиган АДПга таъриф беринг.
8. Кичик корхонада бухгалтерия ҳисобини ишлаб чиқишнинг технологик жараённинг босқичларини айтиб беринг.
9. Йирик корхоналарда БҲАТ нималарни таъминлаши керак?
10. Ҳориждаги йирик корхоналар бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил қилинади?
11. Йирик корхоналарда БҲАТ ёрдамида ҳисоб ахборотларини ишлаб чиқариш қандай босқичларда олиб борилади?
12. ҲАИЖ ва БҲАТ ўртасида ахборотлар алмашуви қандай усулларда ташкил қилинади?
13. Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг моҳиятини айтинг.
14. Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришдаги дастурий мажмуаси таркибий тузилишини изоҳлаб беринг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-топшириқ.

Тингловчи МЧЖда ўз фаолиятини олиб бораётган 6 нафар ходимга январь ойи учун иш ҳақини ҳисоблайди. Ходимлар ҳақида барча маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ходимнинг Ф.И.Ш.	Оклад	Ойда- ги иш кун- лари	Ишла- ган кун- лари	Вақтин- чалик меҳнатга лаёқатсиз кунлари*	Ижро варо- ғи (али- мент)	Имтиёз (ноги- рон)	Пар- тия аъзо- си
1. МБХ	2000 000	20	20	-	-	-	v
2. МБХ	1800 000	20	20	-	1 бола	-	-
3. ишчи	1500 000	20	15	5	-	-	-
4. ишчи	1200 000	20	20	-	-	2 гуруҳ	-
5. ишчи	800 000	20	20	-	-	-	-
6. ишчи	500 000	20	20	-	-	-	-
Жами	7800 000	-	-	-	-	-	-

* Ходимнинг узлуксиз меҳнат стажи 6 йил 2 ой

2-топшириқ.

Январь ойида ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш учун “Lex.uz” ахборот қидирув тизимидан фойдаланиб, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақа ҳисоблаш “Низоми”ни, ижро вароғи бўйича алимент ушлаб қолиш учун “Оила кодекси”, ногиронлар учун берилган солиқ имтиёзларини қўллаш учун “Солиқ кодекси” топишлари ва тегишли модда ёки бандларини тақдим қилишлари шарт.

“Lex.uz” ва “Norma.uz” ахборот қидирув тизимларидан фойдаланиш.

3-топшириқ.

Январь ойида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий фонддан ажратма ва жисмоний шахслардан ушлаб қолинган ижтимоий суғурта бадаллари бўйича ҳисоботларини топшириш учун тайёрлашлари ва топширишлари лозим. МЧЖ кичик корхона ҳисобланади ва ЯИТ ҳисоблаш учун тегишли ставкани қўллаш тавсия этилади.

“my.soliq.uz” давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисоботларни топшириш.

4-топшириқ.

Январь ойида ҳисобланган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб

тизимига ҳисоботларини топшириш учун тайёрлашлари ва топширишлари лозим. Ходимларнинг ШЖБПҚР сифатида ўзининг ва кичик гуруҳ аъзоларининг маълумотларидан фойдаланиш тавсия этилади.

“nxb.uz” халқ банкига электрон ҳисоботларни топшириш

5-топшириқ. *(ҳисобот чорак ёки йиллик асосида топширилади, ўқув мақсадида ойлик тайёрланади)*

Январь ойида МЧЖ ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Маҳсулот сотишдан олинган даромади 30 000 000 сўм, сотилган маҳсулотнинг таннари 20 000 000 сўм. Давр харажатлари 4490 000 сўм, шу жумладан, банк хизмати, ахборот хизматига тўловлар 85 000 сўм, асосий воситалар амортизацияси 35000 сўм, маъмурий ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар. Ягона солиқ тўлови солиқ ставкаси 5%. Соф фойда (зарар (-)) – суммани аниқланг.

Ой охирига дебиторлик қарз 3400 000 сўм.

Ой охирига кредиторлик қарз 8790 000 сўм.

Ишлаб чиқариш захиралари 12 000 000 сўм.

Тайёр маҳсулот 3000 000 сўм.

Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси, 1 январь ҳолатига қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда 35 000 000 сўм.

Давлат статистика органига 1-КБ ҳисобот шаклини топшириш учун ҳисобот шаклини “stat.uz” топиш, ҳисобот шаклини тайёрлаш ва давлат статистика органига 1-КБ ҳисобот шаклини топшириш.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. АКТИВЛАРГА ЭСКИРИШ ҲИСОБЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ

“Шарғун” МЧЖ шағал ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Сизни корхонанинг фаолиятини баҳолаш учун ёллашди. Сизнинг биринчи кадамингиз бўлиб, корхона фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тўплаш ҳисобланади. 2016 йил 3 январда шағал жойлашган ер участкасини 63100000 сўмга сотиб олди. Ер участкасида 4700000 кубометр шағал бор деб баҳоланмоқда. Шағал автомобил йўлларни қуриш учун фойдаланилади. Барча шағалларни қазиб олгандан кейин ер участкасининг қиймати 200000 сўмни ташкил қилади.

Шағалларни қазиб олиш учун усқунанинг қиймати 14520000 сўмни ташкил қилади. Қўшимча равишда шахтанинг маъмурияти ва ишчилар учун ошхона жойлашадиган катта бўлмаган бинони қуриши лозим. Бино қиймати 5000000 сўмни ташкил қилади, у тугатиш қийматига эга эмас, фойдали хизмат муддати 10 йилга тенг. Усқунанинг фойдали хизмат муддати 6 йилга тенг, тугатиш қийматисиз. Усқуна ва бинони шахтадан олиб кетиш мумкин эмас.

Юк машинасининг қиймати 30800000 сўмни ташкил қилади (фойдали хизмат муддати 6 йил, тугатиш қиймати 200000 сўм). Юк автомашинасини бошқа шахталарда ҳам фойдаланиши мумкин.

Шағал 5 йил давомида тўлиқ қазиб олинади ва шахта ёпилади. 2016 йил давомида 1175000 кубометр шағал қазиб олинди. Бир кубометр шағалнинг йил давомида ўртача сотиш қиймати 40,50 сўмни ташкил қилади. Йил охирида 125000 кубометр шағал сотилмай қолган. Операцион харажатлари 8520000 сўмни, ишлаб чиқаришга доир меҳнат харажатлари эса 2320000 сўмни ташкил қилади.

Талаб қилинади:

1. Шахта билан боғлиқ бўлган кўчмас мулк, бино, усқуна ва юк автомашинасини сотиб олинишини акс эттирувчи бухгалтерия проводкасини беринг. Активлар 3 январда пул маблағлари ҳисобидан олинган.

2. 2016 йил учун табиий ресурсларнинг емирилишини акс эттирувчи бухгалтерия проводкасини беринг. Эскириш нормаси кўчмас мулк учун ишлаб чиқариш усулида, бошқа активларга нисбатан эса тўғри чизиқли усулдан фойдаланилади.

3. 2016 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрланг.

4. Корхонанинг фаолият натижасига баҳо беринг? Фойда солиғини ҳисобга олманг.

2. ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ТУЗИШ

А.Мирзаев, «Mirzo Print» компаниясининг ижрочи директори ҳозиргина бухгалтер Б.Қурбонов томонидан тақдим қилинган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўрганиб чиқмоқда. Ҳисоботни кўриб чиққач, жаноб Мирзаев жаноб Қурбоновга қуйидагича мурожаат қилди: “Ботир, менимча ҳисобот ёмон тузилмаган, бироқ жорий ойда компания счётларини тўлашга пул маблағи нима учун етишмаётганлигини билишим лозим. 2015 йилда компания 120 000 сўм ишлаб топди, бироқ банкдаги ҳисоб рақамида атиги 24 000 сўм бор. Гаров бўйича бино сотиб олинганлигини ва 46 000 сўм пул кўринишида дивиденд тўланганлигини биламан”. Жаноб Қурбонов жавоб берди: “Сизнинг саволингизга жавоб бериш учун қуйида келтирилган балансга назар солиш ва бошқа ҳисобот шаклини тузиш зарур”. Қуйида Ботир томонидан жаноб Мирзаевга кўрсатаётган баланси келтирилган.

«Mirzo Print» компаниясининг 31 декабр 2018 ва 2017 йиллар учун баланси

Активлар	2018 й.	2017 й.
Узоқ муддатли активлар		
Бино	400 000	-
Жамғарилган амортизация (бино)	(20 000)	
Жами узоқ муддатли активлар	380 000	
Жорий активлар		
Пул маблағлари	24 000	40 000
Олинадиган счётлар (соф)	178 000	146 000
Товар моддий захиралар	240 000	180 000
Олдиндан тўланган харажатлар	10 000	14 000
Жами жорий активлар	452 000	380 000
Жами активлар	832 000	380 000
Пассивлар		
Хусусий капитал		
Устав капитали (номинал қиймати 100)	200 000	200 000
Тақсимланмаган фойда	152 000	80 000
Жами хусусий капитал	352 000	280 000
Мажбуриятлар		
Тўланадиган счётлар	74 000	96 000
Бошқа кредиторлик қарзлари	6 000	4 000
Гаров бўйича мажбурият	400 000	-
Жами мажбурият	480 000	100 000
Жами пассивлар	832 000	380 000

«Mirzo Print» компаниясининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 31 декабр 2015 йил ҳолатида.

Кўрсаткичлар	Сумма
Маҳсулот сотишдан соф тушум	884 000
Сотилган маҳсулотнинг таннари	(508 000)
Ялпи фойда	376 000
Давр харажатлар (20 000 сўм амортизация харажатлар ҳам қўшилган)	(204000)
Операцион фаолиятдан фойда	172 000
Фоиз кўринишидаги харажатлар	(24 000)
Солиқ тўлагунга қадар фойда	148 000
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(28 000)
Соф фойда	120 000

Талаб қилинади:

1. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида “Mirzo Print” компанияси учун, тўғри усулни қўллаган ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрланг (амалдаги ҳисобот бланкасида фойдаланинг). “Lex.uz” ахборот кидирув тизимларидан фойдаланиш.

2. Компания операцион фаолиятдан фойда кўраётган бўлсада, унда пул маблағининг етишмовчилиги аниқ кўриниб турибди. Пул маблағлари билан боғлиқ қандай муаммо мавжуд?

3. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

Акционерлик жамиятининг устав капиталининг миқдори 1600 000 000 сўмни ташкил қилади. Бир дона акцияларнинг номинал қиймати 1000 сўмга тенг. Акционерлик жамияти акцияларини жойлаштираётганда 400 000 дона акцияларини номинал қийматда, 350 000 дона акцияларини 1200 сўмдан, 500 000 дона акцияларини 1250 сўмдан, қолган акцияларни эса 1375 сўмдан жойлаштиради. Молиявий йилда 250 000 000 сўм миқдорида соф фойда олган. Акционерлик жамиятининг уставига биноан резерв капиталини ташкил қилиниши лозим. Шу билан биргаликда акционерлик жамият жорий йилда текинга олинган мулклар суммаси 15 000 000 сўм, мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар 32500 000 сўм, грантлар 10 000 000 сўм, келгуси харажатлар ва тўловлар резерви 15 000 000 сўмни ташкил қилади.

Талаб қилинади:

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга биноан акционерлик жамиятининг хусусий капитал суммасини аниқланг (элементлари бўйича).

4. ҲИСОБОТ ДАВРИ ОХИРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАСИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШИ

Юк автомашиналарини ижарага бериш билан шуғулланадиган “Авто ижара” МЧЖ ҳар куни 30 дона MAN автомашиналарини ижарага беради. Молиявий йилнинг охирида тузатилган синов баланси қуйида келтирилган.

**“Авто ижара” МЧЖнинг
31 декабр 2014 йил ҳолатидаги синов баланси (минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Дебет	Кредит
Пул маблағлари	1 384	
Дебиторлик қарзлар	1 944	
Ёрдамчи материаллар	238	
Олдиндан тўланган суғурта	720	
Юк автомашиналар	24 000	
Жамғарилган эскириш – юк автомашина		14 400
Тўланадиган счётлар		542
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар		400
Тўланадиган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар		4 000
Устав капитали		2 000
Тақсимланмаган фойда		6 388
Дивидендлар	11 400	
Юк автомашинасини ижарага беришдан олинган даромад		91 092
Иш ҳақи бўйича харажатлар	46 800	
Суғурта бўйича харажатлар	1 440	
Ёрдамчи материаллар бўйича харажатлар	532	
Эскириш харажатлари – юк автомашинаси	4 800	
Бошқа харажатлар	21 564	
Фойда солиғи бўйича харажатлар	4 000	
Жами	118 822	118 822

Талаб қилинади:

1. Тақдим қилинган маълумотлар асосида ёпиладиган бухгалтерия ўтказмаларини беринг.

2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва бухгалтерия балансини тайёрланг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Ҳисоб, аудит ва рисклар ички назоратининг ахборот технологиялари” модулида ўрганилаётган мавзулардаги масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан кўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, хорижий тилда чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутати.

1. “1С: Предприятия”, “1UZ Бухгалтерия”, “БЭМ”, “Инфо-бухгалтер”, “УзАСБО” дастурларнинг ўхшашлик ва фарқ томонлари.
2. “my.soliq.uz”, “stat.uz”, “nxb.uz” сайтлари орқали давлат органларига электрон ҳисоботларни топшириш.
3. “Lex.uz” ва “Norma.uz” ахборот қидирув тизимларидан фойдаланиш.
4. Кейслар банкидаги барча кейсларни бажариш.
5. Давлат органларига ҳисоботларни электрон топширишнинг аҳамияти ва зарурлиги.
6. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари электрон ҳужжат тарзида тузиш ва тақдим этиш тартиби.
7. Илмий анжуманларга илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбекча изоҳ	Инглизча изоҳ
Амалий дастурлар пакети (АДП)	-бу муайян (функционал тизимли, бизнес - илова) синф вазифаларини ҳал этиш учун мўлжаллан-ган дастурлар мажмуи	Applications package (ADP) - is a (functional system, business application), a set of programs designed to solve the class
Автоматлаштирил -ган ахборот технологиялари (ААТех)	- бошқарув вазифа-ларини ҳал қилиш учун ривожланган дастурий таъминланиш, ҳисоблаш техникаси ва алоқанинг фойдаланилган восита-лари ҳамда ахборот-ларни мижозларга так-лиф қилишнинг усул-ларини кўллаш асосида ахборотларни йиғиш, рўйхатга олиш, узатиш, жамлаш, қидириш, иш-лаб чиқиш операцияла-рини амалга ошириш усуллари ва воситалар-нинг тизимли ташкил қилинган мажмуи	Automated information technology (AATex) - administrative tasks to solve the developed software, the use of computers and communication of information on the means and methods of customer information to the collection, registration, transfer, store, search, and to develop methods and tools to carry out operations A set of systematically organized
Активларга	бу узоқ муддатли	Assets - including

<p>киритиладиган субсидиялар</p>	<p>актив-ларни муайян қурилиш лойиҳалари учун сотиб олиш ёки қуриш мақса-дида хўжалик субъект-лари ажратадиган дав-лат субсидияларидир, ишга тушириш ёки харид қилиш муддатла-ри, ушбу активларнинг муайян жойлашиши</p>	<p>subsidies to purchase long-term assets for specific construction projects or agricultural state subsidies allocated for the construction, commissioning or purchase of assets in terms of this particular location</p>
<p>Алоҳида молиявий ҳисоботлар</p>	<p>-гуруҳ ҳар бир аъзосининг жамлаш лозим бўлган ҳисоботи</p>	<p>Financial reports - each member of the group should concentrate Report</p>
<p>Аналог</p>	<p>— асосий иқтисо-дий, жисмоний ва бошқа тавсифларга кўра баҳо-лаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки рақобатли бозорда қи-линган таклифдан маъ-лум бўлган бошқа объект</p>	<p>Analog - economic, physical and other characteristics similar to the object of the evaluation, the price of a similar contract terms or other subject an invitation to a competitive market</p>
<p>Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар</p>	<p>- хўжалик юритув-чи субъектнинг одатда-ги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган</p>	<p>The main income from agricultural activities in the period arising in the normal course of undertaking their owners, except for an increase related to the cost of capital, which leads to an increase in</p>

	<p>кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб кела-диган тушумлар</p>	<p>capital inflows</p>
<p>Асосий воситалар</p>	<p>- корхона томони-дан узок муддат давоми-да хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар-ни бажариш ёки хизмат-лар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий ва-зифаларни амалга оши-риш мақсадида фойда-ланиш учун тутиб тури-ладиган моддий актив-лар</p>	<p>Fixed assets - the Company's long-term agricultural production activities, works or services or in the process of implementation of the administrative, social and cultural functions in order to hold financial assets</p>
<p>Асосий иш жойи</p>	<p>— иш берувчи меҳ-нат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи</p>	<p>The main work - the employer in accordance with the labor law, which must maintain a record of the employee work</p>
<p>Асосий фаолият тури</p>	<p>— юридик шахс-нинг ҳисобот даври якунлари бўйича умум-ий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улу-ши устунлик қиладиган фаолияти</p>	<p>The main activity - the legal entity for the reporting period, the prevalent share of the total sales volume of sales activity</p>
<p>Амортизациялана диган қиймат</p>	<p>- молиявий ҳисоб-ботларда фараз қили-наётган (баҳоланган)</p>	<p>Depreciable value - assuming the financial reports (spring) the</p>

	ту-гатиш қийматини чегир-ган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати сум-маси	liquidation value of the discount is the sum of the value of assets Restore
Амортизация	— асосий восита-лар (номоддий актив- лар) эскиришининг қийматдаги ифодаси, ҳамда асосий воситалар ва номоддий активлар- нинг амортизациялана- диган қийматини улар-нинг фойдали хизмат муддати мобайнида асосий воситалар ва номоддий активларнинг белгиланган мақсадидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хиз-матлар) таннархига ёки давр харажатларига олиб бориш ва систе- матик тақсимлаш	Depreciation of fixed assets - (intangible assets), the value eskirishining, as well as the value of the fixed assets and depreciable intangible assets and their useful service life of fixed assets and intangible assets determined to come out of goods (works, services) costs or the costs of carrying out systematic distribution
Ахборот жамияти	— кўпчилик ишлов-чиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билим-ларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш	Information society - the majority of workers, especially in the higher forms of knowledge production, storage, processing and implementation

	ва амалга ошириш билан банд бўлган жамияти-дир	engage with their communities
Ахборот технологияси	ахборотни тўплаш, сақ-лаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи	Information technology - data collection, storage, search, and is used for the processing and distribution methods, devices, methods and processes set
Ахборот захиралари	алоҳида ҳужжат ва ало-ҳида ҳужжат тўплами, ахборот тизимлари (ку-тубхона, архив, фонд, маълумотлар банклари, бошқа ахборот тизим-лари) даги ҳужжатлар ва ҳужжатлар тўпламидир	Information resources - separate documents and document collections, information systems (libraries, archives, funds, banks, and other information systems), the set of documents and certificates
Ахборот инфратузилмаси	ахборот тизимларининг ишлашини таъминловчи ташкилий-техникавий тузилмалар ва объект-лар, маълумотлар банк-лари ва базалари, алоқа ва маълумотлар узатиш тизимларининг мажмуи	Information infrastructure and information systems to ensure the organizational and technical structures and facilities, data banks and databases, a set of communications and data transmission systems

<p>Ахборотлаштириш</p>	<p>ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳол-да юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни</p>	<p>Information resources, information technology and information systems, the use of legal and physical persons, to create the conditions to meet the information needs of the socio-economic and scientific-technical process</p>
<p>Ахборот ресурси</p>	<p>моддий жисмлардаги ёки ахборот тизими таркибидаги ахборот, маълумотлар банки ва базаси, дастурий маҳсулот</p>	<p>Information resources - material objects or the information contained in the information system, database and database software</p>
<p>Ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори</p>	<p>ахборот ресурсларига, ахборот тизимларига тўла ҳажмда эгалик қилувчи, улардан фой-даланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс</p>	<p>Information resources, information systems, the owner of information resources, information systems, in full ownership, use and disposal of a legal or natural person</p>
<p>Ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг эгаси</p>	<p>ахборот ресурсларига, ахборот тизимларига қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот</p>	<p>Information resources, information systems, information resources, information systems, law or information resources, information systems established by</p>

	<p>тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида эгаллик қилув-чи, улардан фойдала- нувчи ва уларни тасар-руф этувчи юридик ёки жисмоний шахс</p>	<p>the owner of rights to possess, use and dispose of them in a legal or natural person</p>
<p>Ахборот тизими</p>	<p>ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ахборотни тўплаш, сақ-лаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойда-ланиш имконини бера-диган ташкилий жиҳат-дан тартибга солинган мажмуи</p>	<p>Information system, information resources, information technology and means of communication of information collection, storage, search, processing and allows the use of the regulation</p>
<p>Ахборот мулкдори</p>	<p>ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эга-лик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс</p>	<p>The owner or other information in a legal way, to possess, use and dispose of it in a legal or natural person</p>
<p>Ахборотни муҳофаза этиш</p>	<p>ахборот борасидаги хавфсизликка тахдид-ларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-</p>	<p>Data protection and information security threats and measures for the prevention and elimination of consequences of their</p>

	тадбирлари	
Ахборот соҳаси	субъектларнинг аҳо-ротни яратиш, қайта иш-лаш ва ундан фойдала-ниш билан боғлиқ фаолияти соҳаси	Information processing of information in the field of subjects and activities associated with the use of
Ахборот борасидаги хавфсизлик	– ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати	Information on the security of information in the field of the individual, society and the vulnerability of the interests of the state
Ахборот эгаси	қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлари доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс	The owner of the media information as part of the rights established by law or by the owner of the information to possess, use and dispose of it in a legal or natural person
Ахборот хавфсизлигини таъминлаш	бу ахборотлашган муно-сабатлар субъектлари ҳуқуқ ва қизиқиш-ларини қаноатлантириш кафолатидир	Information security is informed of the rights and interests of the subjects of the relationship satisfaction guarantee
Банкротлик (иқтисодий ночорлик)	ҳўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётган-нида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари	Bankruptcy (insolvency) was recognized by the economic court announced the voluntary liquidation of the debtor or his creditors on the

	бўйича кредиторлар талаблари-ни тўла ҳажмда қонди-ришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги	debtor's monetary obligations are not fully able to meet the demands of the budget and off-budget funds, including taxes, fees and other mandatory payments are not capable of ensuring the
Баҳолаш санаси	баҳолаш объектининг қиймати аниқланган сана	The value of the object of evaluation to assess the Net
Бевосита харажатлар	алоҳида турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизмат-лар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни би-лан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг бирлиги таннархига тўғридан-тўғри кири-тиладиган ишлаб чиқа-риш харажатлари	Direct costs - a special kind of commodity and material resources of production (services and works) and their unit costs are directly related to the process of direct production costs
Билвосита харажатлар	бир неча турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизмат-лар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни би-лан боғлиқ бўлган иш-лаб чиқариш харажат-лари, улар муайян то-вар-	Indirect costs - the production of a variety of goods and material resources (services and works) in connection with the process of production costs, they are not included in the units of a certain commodity and

	моддий захиралар бирликлари таннархига бевосита киритилмайди, бунинг оқибатида улар харажатлар объектлари ва уларнинг бирликлари таннархи ўртасида ҳисоб-китоб йўли билан тақсимланади	material resources, costs directly, as a result, they are objects of expenditure and the cost of their units in settlements distributed through the book
Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот	биргаликдаги фаолият натижаси бўлган товар-лар (ишлар, хизматлар)	Manufactured products - the result of joint activity of goods (works, services)
Бозор	бозор қиймати (ёки бозор қийматини аниқ-лашга имкон берадиган бошқа бирор кўрсаткич) аниқланадиган активлар бозори мавжудлигини билдиради	Market - the market value (or any other instrument that allows you to determine the market value of) the existence of the assets of defined market
Бошланғич қиймат	тўланган ва қопланмай-диган солиқларни (йи-ғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бево-сита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва мон-таж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва истал-ган бошқа	The initial value - paid and non-refundable taxes (fees), as well as asset-oriented use of which is directly related to the working mode of delivery and installation, installation, commissioning and taking into account the cost of any other fixed assets (building and construction complete) or the actual value of

	харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар-нинг қиймати	the expenses for the purchase
Бош жамият	бир ёки бир неча шўъба хўжалик жамиятларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир	General public in one or more entities affiliated with the agricultural communities
Бошқарув тизими	- бошқарув вазифасини амалга оширувчи тизим. Бу тизим томонидан амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар башоратлаш, режалаш-тириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат этиш ва тартибга солиш-дан иборат	Management system, management system, carrying out the task. This system is the most important tasks to be performed by the prediction, planning, accounting, analysis, control and regulation of the
Бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими	ташкilotнинг мақсадидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тақсим-лаш, тақдим этиш учун учун мўлжалланган стандарт процедуралар,	Automated information management system in accordance with the requirements of the organization's purpose of information gathering, processing, distribution, designed to provide standard procedures, personnel,

	ходимлар, дастурий во-ситалар, асбоб-ускуна, маълумотларнинг ўзаро боғланган мажмуи	software, equipment, a set of interconnected data
Бўлимлар	корхонада ҳисоб юри-тишнинг алоҳида қисм-лари, масалан, иш ҳақи-ни ҳисоблаш бўлими	Sections of doing business accounts separate parts, for example, pay
Бўлиниш нуқтаси	ишлаб чиқариш жараёнининг муайян пайти, бу ерда биргалик-да ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳсулот-ларнинг алоҳида турла-ри аниқ идентификация-ланади	This division point during the production process of certain types of products in the production of manufactured goods clearly identified
Бюджетдан ажратиладиган субсидия	давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағ-лари; солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шарти би-лан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имти-ёзлар ҳисобига бўшай-диган маблағлар	Budget subsidized by the state budget at the expense of funds granted for a particular purpose; To redirect the taxpayer of certain taxes and other obligatory payments, provided that the funds released due to incentives
Видеомонитор (дисплей)	- ШК га киритиладиган ва	Videomonitor (display) device with

	ундан чиқадиган ахборотни акс эттирувчи мосламадир	reflecting the information on the computer and it comes out
Грант	давлатлар, давлатлар-нинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бегараз асос-да бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаро-лиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига	Grant states, governments, international organizations and foreign government, established by the Government of the Republic of Uzbekistan as well as a list of international and foreign non-governmental organizations in the Republic of Uzbekistan, the Government of the Republic of Uzbekistan, the self-governing bodies, given to individuals and legal entities free of charge property, as well as foreign citizens and stateless persons in the Republic of Uzbekistan and the Government of the Republic of Uzbekistan issued free property

	ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бега-раз асосда бериладиган мол-мулк	
Гуруҳ	бош жамият ва унга қарашли барча шўъба жамиятлар	Group - the main company and its subsidiary companies
Давлат субсидиялари	хўжалик юритувчи субъектнинг операция фаолиятига тааллуқли муайян шароитларда хўжалик юритувчи субъектга ресурсларни бериш тарзида ҳукумат томонидан бериладиган ёрдам	State subsidies - under certain circumstances related to the activities of the operation of the undertaking undertaking given by the government in the form of resources
Давлат ёрдами	муайян мезонлар билан қаноатлантирувчи битта ёки бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ёрдам бериш учун давлат кўрадиган тадбир. Ушбу стандарт мақсадлари учун давлат ёрдами фақат бевосита, ривожланиб бораётган секторларда инфрату-зилмаларни вужудга келтириш ёки рақобат-чиларга савдо чеклаш-ларини	Satisfactory to state specific criteria with the help of one or a number of undertakings in economic aid for state action. State aid for the purposes of this standard only direct competitors or creating a growing infrastructure sectors, such as the introduction of trade restrictions affecting the general terms of trade does not include the privileges granted by means of the actions

	жорий этиш сингари умумий савдо шартларига таъсир этувчи хатти- ҳаракатлар воситасида бериладиган имтиёзларни ўз ичига олмайди	
Даромадга кiritиладиган субсидиялар	бу активларга кiritила- диганларидан ташқари, давлатнинг ҳар қандай бошқа субсидиялари	In addition to income, including subsidies for these assets kiritiladigan-laridan any other state subsidies-
Дастурий интерфейс	ҳисоблаш тизими доирасида қурилма ва дастурлар ўзаро таъсирини таъминловчи воситалар йиғиндиси	The software interface between computing devices and applications within the sum of the impact means
Дивиденд	акциялар бўйича тўла-ниши лозим бўлган да-ромад; юридик шахс томонидан унинг муас-сислари ўртасида (иш- тирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақ- симланадиган соф фой-данинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимлан-маган фойданинг бир	The dividend income from the shares to be paid; by a legal entity among its founders (participants, members of their shares, shares, shares) distributed net profit and (or) a portion of the undistributed profit of previous years; legal entity from the distribution of the property, as well as the founders (participants, members) share of

	<p>қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулк-ни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томо-нидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (ишти-рокчи, аъзо) устав фон-дига (устав капиталига) ҳисса сифатида кирит-ган мол-мулкнинг қий-мати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайти-риш учун йўналтирил-ган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (ишти-рокчисининг, аъзо-сининг) қўшимча акция-лар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари</p>	<p>participation by legal entities (tendon contribution) income from the receipt of the founders (participants, members) of the authorized fund (capital) of the input value of the property deducted, retained earnings charter fund (capital) aimed to increase, the shareholders of the legal entity, founders (participants, members), the value of the additional shares, the nominal value of shares, shares (shares), income received in the form of an increase in the value of the</p>
<p>Дисконтлаш</p>	<p>баҳолаш объектдан кутилаётган бўлғуси</p>	<p>The object of evaluation of</p>

	пул оқимларини дисконт-лашнинг тегишли ставкасидан фойдаланиб жорий қийматга келтириш	discounting the expected future cash flows using a discount rate of the current value
Дисконт ставкаси	турли хил вақтдаги даврларга тегишли бўл-ган пул маблағлари суммасини бир пайтга келтириш учун фойдаланадиган ставка	Discount rate - the amount of money belonging to different periods of time, while the rate of use for the
Дурагай ҳисоблаш машиналари (ДХМ)	комбинациялашган ҳолда амал қилувчи ҳисоблаш машиналари бўлиб, ҳам рақамли ҳам ўхшашли шаклда тақ-дим этилган ахборотлар билан ишлайди	Hybrid computing machinery (DHM) - combined devices, like a digital format will work with the information provided;
Жамланган молиявий ҳисоботлар	ҳисобот санасида ги молиявий аҳволни ва хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими	Consolidated financial statements as of the reporting date on the situation in the financial and business communities in the system of indicators that reflect the financial results for the reporting period
Жиддий хатоликлар	жорий даврда аниқлан-ган хатоликлар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги давр-лар учун	Serious errors - errors identified in the current period, which is so important that the financial statements for the

	тузилган мо-лиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисоблан-маслиги мумкин	prior periods may not be as reliable
